

АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шоюсупова Наргиза Турғуновна,
ТДИУ доценти, и.ф.н.,
Абдураходов Шухрат Иззат ўғли,
ТДИУ талабаси
E-mail: nargiza_69@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Қашқадарё вилояти бўйича меҳнат бозоридаги вазият таҳлил қилинган, унга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар аниқланган ҳамда минтақавий меҳнат бозорининг самарали фаолият кўрсатишини такомиллаштириш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В данной статье проанализирована ситуация рынке труда Кашкадарьинской области, определены социально-экономические факторы влияния на рынок труда, а так же разработаны предложения и рекомендации для совершенствования эффективной деятельности регионального рынка труда.

Abstract: This article analyzes the situation of the labor market in the Kashkadarya region, identifies the social and economic factors affecting the labor market, as well as offers and recommendations for improving the effective operation of the regional labor market.

Калим сўзлар: ишга жойлаштириш, иқтисодий фаол аҳоли, иш билан бандлар, ишсизлар, меҳнат бозори

Кириш

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: “Бугуннинг ўзида ҳар бир битирувчини аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, иш ҳақи ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур” [1].

Аҳоли таркибида меҳнат ресурсларининг улуши юқори эканлиги; қишлоқ аҳолисининг иқтисодий фаоллик ва иш билан бандлик даражасининг пастлиги; қишлоқ жойларида ташкил этилган иш жойларининг асосий қисми қисқа

муддатли ва мавсумий характерга эгаллиги; иш билан банд бўлган аҳолининг салмоқли қисми иш ҳақи паст бўлган соҳаларда, норасмий секторда ва барқарор бўлмаган иш жойларида банд этилганлиги; касаначилик иш жойларини кўпайтириш имкониятларининг тўлиқ ишга солинмаётганлиги кузатилади. Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги туфайли аҳолининг иш билан бандлиги масалаларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Иқтисодиёни модернизация қилиш шароитида аҳолининг иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратишнинг назарий жиҳатлари Г.С.Вечканов, Г.Р.Вечканова [3], П.Э.Шлендер, Ю.П.Кокин [4], Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлиги Қ.Х.Абдурахмонов [5], Ш.Р.Холмўминов [6], Х.Абулқосимов, О.Абдурахмонов, К.Катгаев ва Р.Рўзметов [7] каби иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Юқоридаги олимларнинг илмий ишларни таҳлил қилиш минтақалар кесимида, айниқса Қашқадарё вилояти мисолида аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш масалалари кенг ёритилмаганлигини кўрсатди. Бу эса мазкур мақола мавзусининг долзарблигини англатади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда иқтисодий тадқиқ этиш методологияси, тизимли таҳлил, таққослаш, эксперт баҳолаш, иқтисодий-статистик каби иқтисодий жараёнларни тадқиқ этиш усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Иш билан бандлик комплекс ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми бўлиб, меҳнат соҳасидаги инсонларнинг эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади ва аҳоли даромадларини оширишнинг асосий элементи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасига асосан иш билан таъминлаш - уқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир [2].

Кўпчилик илмий адабиётларда эса иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий категория сифатида акс эттирилади. Масалан, Г.С.Вечканов ва Г.Р.Вечкановалар иш билан бандликни ишлаб чиқариш усулига кўра инсонларнинг иш жойи билан таъминланиши ва хўжалик фаолиятидаги иштироки натижасидаги муносабатлар тизими [3], деб тавсифлайди. Мазкур фикрни “Меҳнат иқтисодиёти” дарслигининг муаллифлари П.Э.Шлендер ва Ю.П.Кокин ҳам қўллаб-қувватлаб, улар иш билан бандликка инсонларнинг иш жойи билан таъминланиши ва хўжалик фаолиятидаги иштирокига оид иқтисодий муносабатлар йиғиндиси [4], деб таъриф берган.

Ўзбекистон иқтисодчи олимлари томонидан ҳам “иш билан бандлик” тушунчасининг мазмун-моҳиятини ёритишга нисбатан ёндашувлар мавжуд. Масалан, Қ.Х. Абдурахмоновнинг фикрича, иш билан бандлик – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий

эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир [5].

Иқтисодчи олим Ш.Р.Холмўминов ўз илмий ишланмаларида аҳолининг оқилона иш билан бандлиги масалаларига алоҳида тўхталиб, аҳолининг оқилона бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг мумкин (табиий) даражаси вужудга келади [6], деб таъриф берган.

Иш билан бандликка маҳаллий иқтисодчи олимлар Д.Рахимова, Х.Абулқосимов, О.Абдурахмонов, К.Каттаев ва Р.Рўзметовлар томонидан берилган таъриф бир мунча кенгроқ бўлиб, ушбу муносабатларнинг мақсадлилигини, предметини аниқлаштиради. Уларнинг фикрига кўра, бандлик иқтисодий категория сифатида кишиларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, даромад олишга бўлган шахсий манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида меҳнатга лаёқатли аҳолини меҳнат фаолияти билан шуғулланиш жойлари, яъни иш ўринлари билан таъминланиши юзасидан бўладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ифодалайди [7].

Таҳлил қилинаётган “иш билан бандлик” категорияси ривожланган бозор чегараларида амал қилади. Мазкур ҳолатда иш билан бандлик деганда ҳар қандай фаолият тури эмас, балки ўз ичига ишчи кучини ривожлантириш, меҳнат бозорига кириш ва ундан чиқишни чеклаш ва ҳ.к.ларга оид шартларни жамлаган фаолият турларигина тушунилади.


Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири, халқ турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришнинг муҳим шarti сифатида белгиланган.

Бинобарин, юртимизда ҳар йили миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ҳудудий кесимларда меҳнат ресурсларидан янада тўлиқ ва оқилона фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган тегишли дастурлар қабул қилинмоқда.

Қашқадарё вилояти аҳолиси республика ҳудудлари ўртасида аҳоли сони бўйича Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан кейин 3-ўринни эгаллайди. Республика аҳолисининг 10 фоизи вилоят улушига тўғри келади (1-расм).

2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, 3057,5 минг кишини ташкил этган. Статистик маълумотларга қараганда, 2010-2016 йиллар давомида вилоят аҳолисининг сони 14,5 фоизга ортган. Таҳлил қилинаётган йиллар орасида аҳолининг юқори даражада кўпайиши кузатилади. Жумладан, Чироқчи, Шаҳрисабз туманлари аҳоли сони бўйича етакчи ҳисобланса, Муборак, Нишон, Миришкор ва Деҳқонобод туманлари аҳоли сони бўйича энг сўнгги ўринларни эгаллаган.

Вилоят аҳолиси сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати республика ўртача кўрсаткичидан юқори. Агар Ўзбекистон аҳолиси сони ўртача йилига 1,8 фоиздан кўпаяётган бўлса, вилоятда бу кўрсаткич 2,2 фоизни ташкил қилмоқда.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси хуудлари доимий аҳолиснинг улуши, % (2017 йил 1 январь ҳолатига)

Манба: Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурслари сони ҳам мунтазам ортиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2010-2016 йиллар давомида вилоятда меҳнат ресурслари сони 18,7 фоизга ортган. 2010-2016 йиллар орасида вилоятда меҳнат ресурслари сони Ғузор, Нишон, Муборак, Миришкор ва Касби туманларида юқори суръатларда ортган. Меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръатлари Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари ва Қарши шаҳрида вилоят ўртача кўрсаткичидан паст бўлган.

Шунингдек, туманлар бўйича аҳоли ва меҳнат ресурсларининг нотекис жойлашуви ва меҳнат бозоридаги талабни (бандлар ва яратилган янги бўш иш ўринлари йиғиндисини) таққослаб, иш ҳақиға таъсир кўрсатадиган бошқа омилларни таъсири ўзгармас бўлган шароитда, вилоят шаҳар ва туманлари меҳнат бозоридаги мувозанат баҳо (ўртача иш ҳақи) турлича бўлишини асослаш мумкин.

Қашқадарё вилоятида доимий аҳоли сони таркибида меҳнат ресурслари сони 1758900 минг кишини ёки 57,5 %ни, иқтисодий фаол аҳоли сони 1247030 минг кишини ёки 40,7 %ни, иш билан банд аҳоли сони, жами 1180901 минг кишини ёки 38,6 %ни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвалдан кўринадикки, 2010-2016 йиллар мобайнида иқтисодий фаол аҳоли сони 22,4 фоизга ортган. Ўз навбатида иқтисодий фаол аҳоли иш билан бандлар ва ишсизлардан таркиб топади.

Вилоятда таҳлил қилинаётган йиллар давомида бандлар сони иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан юқори суръатларда ўсган.

Таҳлиллар иш билан бандлар таркибида иқтисодийнинг норасмий секторида иш билан бандлар сони юқори суръатда ортаётганлигини кўрсатади. Яъни 2016 йилда 2010 йилга нисбатан расмий секторда бандлар 10,7 фоизга

ортган бўлса, бу даврда норасмий секторда бандлар сони 21,2 фоизга ўсган. Бунга сабаб қилиб, яширин иқтисодиётнинг тараққий қилиши ҳамда иш берувчилар ва ёлланма ходимларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан бош тортишларини кўрсатиш мумкин.

1-жадвал

Қашқадарё вилоятида меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари, киши


Кўрсаткичлар	Й и л л а р								2016 йилда 2010 йилга нисбатан % да
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017**	
Иқтисодий фаол аҳоли сони	103096 9	105996 0	109498 2	113064 9	117251 2	120998 9	124703 0	126185 9	122,4
Банд аҳоли сони	971652	100374 4	103666 3	107236 1	110854 7	114393 1	118090 1	119330 3	122,8
<i>шу жумладан:</i>									
Иқтисодиётнинг расмий секторидан бандлар сони	564779	608946	642620	632524	637821	627040	623306	624980	110,7
Иқтисодиётнинг норасмий секторидан бандлар сони	385627	368781	365258	410339	371518	416828	459293	467458	121,2
Ишсизлар сони	59316	56214	58318	58289	63970	66059	66127	68556	115,6
Ишсизлик даражаси, %	5,8	5,3	5,3	5,2	5,5	5,5	5,3	5,4	-

Манба: Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармаси маълумотлари 2017 йил январь-июнь ҳолатига

Қашқадарё вилоятида ишсизлик даражаси 5,4 фоизни ташкил этади. Бу республика ўртача кўрсаткичидан юқори (5,2%).

Вилоятда 14 та Бандликка кўмаклашиш марказлари фаолият кўрсатади. Таҳлиллар бу марказларга иш қидириб мурожат қилаётган фуқаролар сонининг йил сайин камайиб кетаётганлигини кўрсатмоқда (2-расм).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 117-сонли қарорига иловада ишга жойлашиш даражасини баҳолаш мезони келтирилган [8]. Унга кўра, ишга жойлашиш даражасини баҳолаш мезонига кўра индикатор кўрсаткичи 75 фоиздан кам бўлса, индикаторнинг сифат баҳоси – паст, 75 фоиздан 85 фоизгача бўлса – мўътадил, 85 фоиздан 90 фоизгача бўлса – ўртача, 90 фоиздан юқори бўлса – юқори ҳисобланади.



2-расм. Қашқадарё вилоятида меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари, киши
Манба: Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармаси маълумотлари

Қашқадарё вилоятида бандликка кўмаклашиш марказларига иш сўраб муружат қилганларнинг 2012 йилда – 91,2 фоизи, 2016 йилда эса 95,2 фоизи ишга жойлаштирилган.

Қашқадарё вилоятида кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан бандлар сони мунтазам ортиб бормоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Қашқадарё вилояти бўйича иқтисодиёт тармоқлари ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сонининг ўзгариши, киши

№	Туман (шаҳар) номи	Иқтисодиёт тармоқлари бўйича йирик бизнесда банд аҳоли сони			Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони		
		2010 йил	2016 йил	2016 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %	2010 йил	2016 йил	2016 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
1.	Қарши ш.	58615	43146	73,6	4563	4891	107,2
2.	Ғузур	21600	12171	56,3	5563	5962	107,2
3.	Дехқонобод	12964	12308	94,9	2670	2862	107,2
4.	Қамаши	9113	8652	94,9	9847	10554	107,2
5.	Қарши	19416	18434	94,9	12789	13708	107,2
6.	Касби	1405	7586	539,9	11493	12318	107,2
7.	Китоб	18951	17993	94,9	12893	13818	107,2
8.	Косон	18884	17929	94,9	14536	15580	107,2
9.	Миришкор	1997	1896	94,9	8543	9156	107,2
10.	Муборак	7448	7072	95,0	5856	6276	107,2

11.	Нишон	7957	7555	94,9	6576	7048	107,2
12.	Чироқчи	987	7190	728,5	21601	23152	107,2
13.	Шаҳрисабз	38871	36906	94,9	12746	13662	107,2
14.	Яккабоғ	1313	9584	729,9	14242	15265	107,2
	Жами:	219521	208422	94,9	143918	154252	107,2

Манба: Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармаси маълумотлари

2-жадвалдан кўришиб турганидек, 2010-2016 йилларда иқтисодиёт тармоқлари бўйича йирик бизнесда иш билан банд аҳоли сони 5,1 фоизга камайган. Бундай камайиш тенденцияси вилоятнинг Шаҳрисабз, Нишон, Муборак, Миришкор, Косон, Китоб, Қарши, Қамаш, Дехқонобод, Ғузор туманлари ва Қарши шаҳрида ҳам кузатилган. Фақат йирик бизнесда иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Касби туманларида кузатилган.

Қашқадарё вилоятида 2010-2016 йиллар мобайнида кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони 7,2 фоизга ортган. Шунинг алоҳида қайд этиш жоизки, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони бир меъёردа ортган.

Қашқадарё вилоятида тадбиркорлик ва деҳқон хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони ҳам мунтазам кўпайиб бормоқда (3-жадвал).

3-жадвал

Қашқадарё вилояти бўйича тадбиркорлик ва деҳқон хўжаликларида иш билан банд аҳоли сонининг ўзгариши, киши

Т/Р	Худудлар	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони			Деҳқон хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони		
		2010 йил	2016 йил	2016 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %	2010 йил	2016 йил	2016 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
1.	Қарши ш.	11028	15970	144,8	1848	2417	130,8
2.	Ғузор	2283	3307	144,9	9840	12875	130,8
3.	Дехқонобод	5315	7696	144,8	6958	9104	130,8
4.	Қамаш	844	1223	144,9	13132	17183	130,8
5.	Қарши	1389	2012	144,9	10794	14124	130,9
6.	Касби	974	1410	144,8	11680	15283	130,8
7.	Китоб	1020	1478	144,9	11579	15151	130,8
8.	Косон	3832	5550	144,8	9321	12196	130,8
9.	Миришкор	774	1121	144,8	8748	11447	130,9
10.	Муборак	299	433	144,8	4886	2721	55,7
11.	Нишон	804	1165	144,9	9080	11881	130,8
12.	Чироқчи	6066	8784	144,8	13618	21490	157,8
13.	Шаҳрисабз	3154	4568	144,8	16920	22139	130,8
14.	Яккабоғ	1682	2435	144,8	11898	15568	130,8
	Жами:	39464	57152	144,8	140302	183579	130,8

Манба: Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармаси маълумотлари

3-жадвалдан кўринадики, 2010 йил вилоятда тадбиркорлик ва деҳқон хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони 143,9 минг кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 154,2 минг кишига етган ёки ўтган даврда 7,2 фоизга ортган.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган кичик мулкдорлар синфини шакллантиришга, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратишга, ҳар бир оила даромадини кўпайтиришда ҳамда янги иш ўринларини яратиш эвазига ишсизлик масаласини ҳал этишга замин яратади.

Хулоса ва таклифлар

Қашқадарё вилоятининг саноат ва саноат-қишлоқ хўжалиги туманларида қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини тартибга солиш учун маданий-соғломлаштириш, сайёҳлик ва таълим муассасаларини қамраб олган ижтимоий йўналтирилган қишлоқ иқтисодиётини шакллантириш ва қишлоқнинг хусусий капитал учун инвестициявий жозибадорлигини ошириш тавсия этилди.

Агросаноат ва аграр қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини тартибга солиш тизими қишлоқдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари билан шаҳар ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, сервис хизмати кўрсатиш ва бошқа агросаноат комплекси тузилмалари ўртасидаги инвестициявий, инновацион ва технологик алоқаларни йўлга қўйиш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш лозим.

Вилоятда аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳозирги кундаги ва яқин истиқболдаги энг муҳим йўналиши – қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолини қайта тақсимлаш, улардаги ортиқча ишчи кучини иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ҳамда соҳаларига сафарбарлигини оширишдир. Бунинг учун қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, қишлоқ туризмни, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак //Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь, №11 (6705).

2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуни // [www. lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Вечканов Г.С, Вечканова Г.Р. Современная экономическая энциклопедия. - СПб.: Издательство «Лань», 2002. – С.880.

4. Экономика труда: учебник. 2-е изд., перераб. и доп. / под ред. проф. Ю.П.Кокина, проф. П.Э.Шлендера. – М.: Магистр, 2010. – С.101.

5. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: МЕННАТ, 2009. – Б.223

6. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига даъвогарлигининг диссертацияси. – Тошкент, 1998. – Б.57.

7. Раҳимова Д., Абулқосимов Х., Абдурахмонов О., Каттаев К., Рўзметов Р. Миллий меҳнат бозори учун кадрлар тайёрлашни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари. – Т.: Fan va texnologiya, 2009. – Б.23

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чорақда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 117-сонли қарори // www.lex.uz.